



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 23 июль, № 149 (7379) Сешанба

Сайтимиизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ, МАНГУ БЎЛ ОМОН!

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

Президентимиз ташаббуси билан Қўқон шаҳрида ҳар икки йилда бир марта Халқаро хунармандчилик фестивалининг ўтказилиши ушбу соҳани ривожлантириш ва туризм равнақида муҳим аҳамият касб этади.

Асрий қадриятларимиз тараннуми

Фестиваль кунлари тарихий зиёратгоҳлар бўйлаб уюштирилаётган саёҳатлар, хунармандчилик ва миллий либослар кўргазмалари, бадий ва ҳужжатли фильмлар намойиши, китоблар, альбом ва фотосуратлар савдолари, аския ва қизилчилик фольклор ва дорбозлик жамоалари, полвонлар чиқишлари халқимизнинг асрлар мобайнида сайқалланиб келаётган қадриятларини бутун дунёга тараннум қилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 1 ноябрдаги "Халқаро хунармандчилик фестивалини ўтказиш тўғрисида"ги қарори асосида тадбир низоми ва уни ўтказиш бўйича "йўл харитаси" тасдиқланган. Ҳозирги кунда Қўқон шаҳрида фестивалга тайёргарлик бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, шаҳарнинг барча кўча ва хиёбонлари бутунлай янги қиёфа касб этаётди.



НУРАФШОН



НУРАФШОН КЕЛАЖАК ШАҲРИГА АЙЛанади

Мана, икки йилдирки, пойтахт вилояти маъмурий маркази сифатида эътироф этилган Нурафшон шаҳри йирик қурилиш майдонини эслатади. Бир томонда бунёдкорлик, яна бир томонда эски тураржойларни бузиш ишлари жадал давом этмоқда. Зеро, янги шаҳар бўш майдонда пайдо бўлаётгани йўқ.

Муҳими, бузилаётган уйлар учун яхшигина товон пули берилмапти. Тураржой эгаларининг истакларига қараб бошқа жойдан ер майдони ажратилмапти, кўп қаватли уйлардан квартиралар таклиф қилинмапти.

Шу боис бугун барча нурафшонлик "Менинг уйим бузилапти" деб эмас, аксинча "Фарзандимга, набирамга замонавий уй қуриляпти, яшаш учун муносиб

шароит яратилмоқда" деган фикрда яшаб, ишламоқда.

Қисқа вақт ичида шаҳарда ўнлаб кўп қаватли тураржой бинолари қад кўтарди. Марказ таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Маъмурий бинолар, раво йўллар, анвойи гуллар эса худуд қиёфасига кўрк қўшиб турибди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ДЕПУТАТЛАР ЖАРИМАНИНГ 70 ФОИЗИНИ ТЎЛАШ ҒОЯСИНИ ИЛГАРИ СУРДИ

2019 йил 22 июль кўни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш мақсадида кўриб чиқилган бир қатор қонун лойиҳалари сиёсий партияларнинг парламент кўйи палатасидаги фракциялари ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи йиғилишларида ҳам дастлабки тарзда қизғин муҳокама қилинган эди.



Шу боис депутатлар ишни "Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида"ги қонун лойиҳасини батафсил кўриб чиқишдан бошладилар. Қайд этилганидек, ушбу лойиҳанинг асосий мақсади мамлакат илм-фани ва илмий фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётни ривожлантиришда фан-техниканинг ҳиссасини ошириш, бажарилаётган илмий тадқиқотларнинг юксалтириш, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро узвийликни мустаҳкамлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Хукумат томонидан "Фан тўғрисида" номи билан палатага киритилган лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида у

10 та модда билан тўлдирилиб, лойиҳа 48 та моддадан иборат бўлди. Асосий тушунчаларни камраб олган моддалардан воз кечилиб, илм-фан ва илмий фаолият соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга доир ўта аҳамиятلى ҳолатлар алоҳида моддаларда тўғридан-тўғри меъёрлаштириб қўйилди. Илм-фан ва илмий фаолиятга эга масалалар — илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, илмий фаолиятга оид давлат дастурлари, давлат мақсади дастурлари, давлат ҳудудий дастурлари, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг узвий боғлиқлигига оид янги моддалар киритилди. Шунингдек, илк бор илм-фан ва илмий фаолият со-

ҳасини молиялаштириш масаласи қонун даражасида белгилаб қўйилмоқда.

Депутатлар мазкур қонуннинг қабул қилиниши илмий ва илмий-техникавий фаолият соҳасидаги ҳуқуқий, молиявий, ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг тартибга солинишида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилишини қайд этдилар.

Шундан сўнг "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси муҳокамага ўтилди. Таъкидланганидек, мазкур лойиҳада валютани тартибга солиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иқтисодий чораларнинг устуворлиги, валюта операцияларига давлат органларининг ноқонуний аралашувига йўл қўйилмаслиги, валюта курсини аниқлашда факатгина бозор механизмлари қўлланишини назарда тутувчи қоидалар белгиланмоқда. Шунингдек, амалдаги Қонундаги баъзи нормалар ўзининг долзарблигини йўқотгани сабабли тубдан қайта кўриб чиқилмоқда.



Тошкентдан Қизилўрдагача — 583 километр

"Тошкент" автовокзалидан Тошкент — Қизилўрда йўналишида мунтазам халқаро автобус қатнови йўлга қўйилди. Автотранспорт хизмати "Uzautotrans Service" МЧЖ томонидан кўрсатилмоқда.



Замонавий қулайликларга эга "Yutong" автобуслари маҳаллий вақт билан соат 17:00 да "Тошкент" автовокзалидан йўлга чиқади. Оралиқ масофа 583 км. бўлиб, уни босиб ўтиш учун 10 соату 30 дақиқа сарфланади. Йўл ҳақи эса 80 000 сўмни ташкил этади. Автобуслар чегарани "Фишткүприк" ва

"Жибек Золи" назорат-ўтказиш пунктлари орқали кесиб ўтади. Рейсларнинг охириги тўхташ нуқтаси "Тошкент" (Ўзбекистон) ва "Салтанат" (Қозғистон) автовокзаллариридир. Автобуслар Қизилўрдадан Тошкент томон соат 16:30 да йўлга чиқади.

«Халқ сўзи».

Мутахассислар нега етишмайди?

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Жойларда ишсизлик кузатилаётган бир пайтда ишчи касблар бўйича мутахассисларга катта эҳтиёж бор. Жумладан, соҳалар бўйича мутахассислар етишмовчилиги қуйидагича:

Енгил саноатда — 46 000

Металлургияда — 71 000

Қурилишда — 104 000

Хизмат кўрсатиш соҳасида — 67 000

Бу таълим ва ишлаб чиқариш ўртасида мулоқот ва яқин ҳамкорлик йўқлиги оқибатидир.

Тараддуд Муқаддас зиёратга ўзгача тайёргарлик кўрилмоқда

Ўзбекистонлик минглаб зиёратчилар ислом динининг бешинчи рукнини бажариш учун ҳаж сафарига шай турибдилар. Бўлғуси ҳожилар ҳаж ҳам жисмоний, ҳам моддий, ҳам руҳий ибодат эканлигини қалбдан ҳаж этган ҳолда, муқаддас зиёратга ўзгача тараддуд кўришаётгани қувонарлидир.

Гап шундаки, улар эзгу ташаббус билан чиқиб, улғу ибодат олдидан маҳалларда маънавий-маърифий муҳитни янада яхшилаш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, худудларни обод этиш, эҳтиёжмандларга моддий кўмак беришда бош-қош бўлмоқдалар. Бу исломнинг меҳр-шафқат, эзгу дин эканлиги, халқимизга хос бўлган бағрикенглик, саховатпешалик фазилатлари бардавомлигининг ёрқин исботидир.

Уламоларнинг айтишича, риб ва гуноҳлардан холи, саҳийлик ҳамда хусни хулқ ила иҳлос билан амалга оширилган ҳаж мабрурдир. Шу маънода, бу йил ҳажга борувчи юртдошларимиз 14 минг нафардан зиёд кишиларни оталиққа олишгани, тўққиз миллиард сўмдан ортиқ ҳомийлик ва хайрия иш-

хими, бугун ана шу ижобий ўзгаришларни юртимиздаги ҳар бир инсон ўз тақдири мисолида яққол ҳис қиляпти. Барча соҳалар қатори диний-маърифий жабҳада ҳам аҳамияти бекқис йиллар амалга оширилаётганини ҳаммамиз кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз. Янгидан барпо этилаётган масжидлар, улғу аждодларимиз номидаги мажмуалар, очилаётган диний таълим муассасалари, соҳада халқаро ҳамкорлик ривожланиб, чет эллик таниқли уламоларнинг диёримизга ташриф буюраётгани, нуфузли ташкилотлар билан алоқалар ўрнатилган юртдошларимизга чексиз қувонч, гурурифтхор бағишламоқда.



